



## ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ИНСТИТУТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ

Файзуллаев Зоҳид Үралович

Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар  
билин таъминлаш департаменти бош инспектори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7501147>

### ARTICLE INFO

Received: 21<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 30<sup>th</sup> December 2022

Online: 31<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

Терговга қадар текширув,  
жиноят ишини қўзғатиш,  
жиноят ишини қўзғатишни  
рад этиш, жиноят процесси  
босқичи, судга қадар иш  
юритиш.

### ABSTRACT

Мақолада терговга қадар текширув тушунчаси, олимларнинг бу ҳақидаги фикрлари, ушбу институтни жиноят процессининг алоҳида мустақил босқичи сифатида ажратиш юзасидан мулоҳазалар баён қилинган.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Миронович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузасида “Ҳар қандай демократик ислоҳотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва Қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир”<sup>1</sup>, дея таъкидлади. Ҳар қандай давлатда демократиянинг асосий мезони инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳофаза

қилинганлик даражаси ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий шарти инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши ҳамда кафолатланишининг ҳақиқий тизимини яратиш ҳисобланади.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари масаласига бутун дунё катта эътибор қаратмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасида изчил ислоҳотларнинг амалга оширилиши, унинг кўплаб ҳалқаро ташкилотларга аъзо бўлганлиги ҳамда инсон ҳуқуқларига оид хужжатларнинг ратификация қилинганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга эътибор янада кучайганлигининг яққол далилидир.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мұхим мезонидир // Халқ сўзи. – 2019. – 9 дек.



вазифаси ҳисобланган ички ишлар органларининг фаолиятига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Зеро, ички ишлар органлари Янги Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни, шунингдек, фуқароларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини таъминлайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари, энг аввало, шахс хуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини янада кучайтириш мақсадини кўзлаётганлиги шубҳасизdir. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони<sup>2</sup>да давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган

хуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш белгиланди.

Бу эса, ўз навбатида, жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг ҳақиқатни рўёбга чиқариш мақсадида далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ фаолиятида уларнинг масъулиятини янада оширишни талаб этади.

Ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда жиноятчиликни жиловлаш, жиноий қиммишлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, терговга қадар текширув амалиёти таҳлили ушбу фаолиятни амалга оширувчи органларнинг иш самарадорлигига тўқсинглик қилаётган, жиноятларни фош этишга кўмаклашувчи органларнинг холислигига салбий таъсир кўрсатаётган тизимли муамма ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, терговга қадар текширув жараёнини такомиллаштириш борасида чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Ушбу жараённи такомиллаштириш учун эса терговга қадар текширувнинг мазмун-моҳиятини аниқлаб олиш талаб этилади. Терговга қадар текширув тушунчаси жиноят-процессуал қонунчилигида нисбатан янги тушунча ҳисобланса-да, унинг янгилиги ушбу тушунчанинг аввал юридик адабиётларда ёки илмий нашрларда ишлатилмаганлиги билан эмас, балки,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон Фармони. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/4939467> (мурожаат санаси: 17.11.2022 йил)



Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-442-сон Қонуни<sup>3</sup> қабул қилиниши асосида янги мазмунга эга бўлганлиги билан боғлиқдир.

Мазкур Қонун билан жиноят процессида ишни судга қадар юритиш босқичи янги таркибий тузилишга эга бўлди, яъни ишни судга қадар юритиш босқичи терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов каби босқичларга бўлинди.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекси<sup>4</sup>нинг 320<sup>2</sup>-моддасида эса “Терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади”<sup>5</sup>, дея таъкидланган. Фикримизча, кодекснинг ушбу нормасида келтирилган терговга

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 6 сентябрь ЎРҚ-442-сон қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами-2017. – 36-сон- 943-мода.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Электрон манба. Кириш йўли: [https://lex.uz/\\_docs/111460](https://lex.uz/_docs/111460) (мурожаат санаси: 17.11.2022 йил).

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Электрон манба. Кириш йўли: [https://lex.uz/\\_docs/111460](https://lex.uz/_docs/111460) (мурожаат санаси: 17.11.2022 йил).

қадар текширув тушунчасида, бир қатор ноаниқликлар мавжуд бўлиб, уларга аниқлик киритиш учун Жиноят-процессуал кодексида терговга қадар текширувга оид таърифларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Хозирги кунда юридик адабиётларда терговга қадар текширув тушунчасига оид яқдил фикрлар мавжуд эмас. Бу эса ушбу институтнинг кўп қиррали эканлигидан далолат беради. Айрим олимлар терговга қадар текширув жараёнини жиноятларни тергов қилишнинг бир кўриниши сифатида талқин этишса<sup>6</sup>, иккинчи гуруҳ олимлар ишни судга қадар юритиш босқичи бўлиб, дастлабки терговдан олдин юз берадиган ҳодиса<sup>7</sup> эканлиги ҳақидаги фикрни илгари суришади.

Бошқа гуруҳ олимлар эса терговга қадар текширувни маълум давлат органларининг фаолият кўриниши эканлигини эътироф этишса, яна бир гуруҳ олимлар, терговга қадар текширув аниқ тушунча бўлиб, жиноят процессининг мустақил босқичи эканлигини таъкидлайдилар<sup>8</sup>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.1. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва бошқ. – Т., 2000. – Б. 736.

<sup>7</sup> Рашидов Б.Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул мұхаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б.149; Danie Kloppers herstellende gerechtigheid in gevalle. Litnet Akademies, Joernaal vir die geesteswetenskappe,14 (1) 345-373, 2017.; KL.De Klerk. The role of the victim in the criminal justice system/How victims rights extension led to restorative justice. University of Pretoria, 2013. Р145

<sup>8</sup> Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси. Умумий қисм. – Т., 2008. – Б. 285; Умарханов А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий чоралари. –Т., 2005. – Б.76.; Чутбоев М.Р. Гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларини чеклашнинг ҳалқаро тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т.,2014. – Б.77.



Фикримизча, юқорида келтирилган фикрларда олимлар терговга қадар текширув босқичининг таркибий тузилишига тегишли жараёнларни акс эттирган бўлса-да, ушбу фикрлар бугунги кундаги терговга қадар текширувнинг моҳияти ва тушунчасини тўлиқ очиб бермайди.

Назаримизда, терговга қадар текширув тушунчасини шакллантиришда уни амалга ошириш шаклини белгилаш билан боғлиқ масалани четлаб ўтиб бўлмайди. Бу борада ҳам олимлар томонидан турли фикрлар билдирилган. Баъзи муаллифларнинг фикрича, терговга қадар текширув нопроцессуал усуллар ёрдамида амалга оширилса<sup>9</sup>, бошқа олимлар унинг аксини таъкидлашган. Масалан, К.И. Мигушиннинг таъкидлашича, “терговга қадар текширув босқичи жиноят-процессуал фаолиятнинг мажбурий ташкилий қисми ҳисобланади ва процессуал характерга эга бўлади”<sup>10</sup>. Бу фикрни бошқа айрим муаллифлар ҳам қўллаб-қувватлашади. Бироқ, ушбу фикрдан фарқли бўлган бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Унинг тарафдорлари терговга қадар текширув босқичида билиб олишнинг эркин усулига таяниш, жиноят тўғрисида ахборот йиғища мутлақ ихтиёрий процессуал бўлмаган усуллардан фойдаланишни таклиф этади.

Яна бир эътибор қаратишимииз лозим бўлган ҳолат бу – одатда илмий ва ўқув

<sup>9</sup> Қаранг, масалан: Рогаткин А., Петрухин П. О реформе уголовно-процессуального права // Законность. –1996. –№ 2. – С. 42.

<sup>10</sup> Мигушин К.И. Досудебное производство как стадия современного уголовного процесса России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Н. Новгород, 2004. С. 10.

адабиётларида терговга қадар текширувга жиноят ишини қўзғатишининг таркибий қисми, тузилмавий элементи сифатида қаралади. Боз устига бу босқичда жиноят процесси тадқиқотчилари гўёки “жиноят ишини қўзғатиш” атамасини “терговга қадар текширув” атамасига алмаштирадилар, уларга тенг кучли ва бир-бирининг ўрнини босадиган деб қарайдилар<sup>11</sup>.

Ушбу олимларнинг фикридан маълум бўладики, терговга қадар текширув жиноят процессининг биринчи ва зарурий босқич бўлиб, унда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган ходими, суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асос мавжудлигига доир масалани ҳал қиласди, жиноят аломатлари аниқланганда жиноят ишини қўзғатади ёки мавжуд асосларга кўра жиноят ишини қўзғатиши рад этади.

Айнан мазкур омиллар, жиноят ишини қўзғатиш босқичидан аввал жиноят процессининг мустақил институт мақомига эга бўлган терговга қадар текширув босқичи мавжуд бўлиб, у келгусида жиноят ишини қўзғатиш босқичини жиноят процесси босқичларидан чиқариб ташлайди деган холосага келишимизга туртки бўлди. Яъни, жиноят ишини қўзғатиш босқич сифатида эмас, балки, терговга қадар текширув босқичи якунида қабул қилинадиган қарорлардан бири сифатида сақланиб қолади.

Терговга қадар текширув тушунчасига доир таърифларнинг кўплиги ўрганилаётган институтнинг кенг

<sup>11</sup> Гирько С.И. Деятельность милиции в уголовном процессе. – М., 2006. – С. 235-236.



қамровлилигидан дарак бериши билан беріга, унинг қай даражада мураккаблигини ҳам күрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жиноят ишини қўзғатиш босқичи доирасида амалга ошириладиган текширув фаолияти натижаларига кўра фақатгина жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинмайди. Масалан, ушбу босқичда ариза ва хабарларнинг қайси юридик жавобгарлик турига ёки иш юритиш қайси орган ваколатига тааллуқлилиги бўйича ҳам қарор қабул қилинади. Қолаверса, жиноят тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиши, назаримизда жиноят процессининг мустақил, дастлабки қисми бўлиб, унда алоҳида мустақил босқични тавсифловчи барча аломатлар мавжуд.

Ўз навбатида, терговга қадар текшируv институти жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасида мустақил институт сифатида намоён бўлса-да, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида терговга қадар текшируv органлари жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар гуруҳига киритилган.

Бизнингча, терговга қадар текшируv органларининг жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар гуруҳига киритилиши қонун нормалари ўртасидаги коллизион ҳолатларни вужудга келтиришга сабаб бўлмоқда. Зоро, амалдаги Жиноят-процессуал кодекси талабларига мувофиқ, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органларининг фаолияти бевосита жиноят иши қўзғатилганидан кейин бошланади. Терговга қадар текшируv

органларининг фаолияти эса жиноят ҳақида хабар келиб тушган вақтдан то жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарорлардан бири қабул қилинганида якунланади. Яъни, терговга қадар текшируv органлари жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар гуруҳига кирмайди.

Ушбу ўзгартиришларнинг Жиноят-процессуал кодексига киритилиши терговга қадар текшируv жараёнининг тартибга солинишига ва янада самарали ташкил этилишига хизмат қиласди.

Таъкидлаш ўринлики, терговга қадар текшируv институти шахс ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг қонуний кафолати бўлиб, ариза ёки шикоят билан мурожаат қилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан беріга, келгусида жиноятчиликнинг олдини олишда ижтимоий-сиёсий, жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Терговга қадар текшируvнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- терговга қадар текшируv натижасида қабул қилинадиган қонуний ва асосли қарор фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига бўлган ишончи янада мустаҳкамлайди;
- фуқаролар ўртасида юзага келган низоли вазиятлар тез ва қонун йўли билан бартараф этилади;
- терговга қадар текшируv натижаси бўйича фақат тегишли ваколатларга эга давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қарорлар қабул қилинади.



Терговга қадар текширувнинг жиноят-хуқуқий аҳамияти шахснинг содир этган жиноятини квалификация қилишнинг умумий белгиларини ва содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш қайси юридик жавобгарлик турига тегишли эканлигини аниқлаш билан боғлиқ ҳолатларга ойдинлик киритиш, шунингдек, шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлганда ЖКнинг айнан қайси моддаси, қисми ва бандига тааллуқли эканлигини белгилашдан иборат.

Терговга қадар текширувнинг жиноят-процессуал аҳамияти қуидагилардан иборат:

- жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ҳамда ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларнинг фош этилиши;
- иш бўйича тўпланган барча далиллар ва маълумотлар чуқур таҳлил қилиниб, баҳо берилиши ҳамда улар асосида тегишли хулоса чиқарилиши;
- терговга қадар текширув иштирокчиларининг ҳимояланишга доир конституциявий ҳуқуқларининг амалга оширилиши, шунингдек, жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши;
- терговга қадар текширув жараёни якунидан манфаатдор бўлган процесс иштирокчиларида қонунда белгиланган муддат давомида ваколатли мансабдор шахсларнинг жиноят ишини қўзғатиш, қўзғатишни рад этиш ёки тегишлилигига кўра юбориш тўғрисида чиқарган қарори устидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқининг юзага келиши;

– фуқароларнинг қонунга зид равища жиноий жавобгарлик ва жазога тортилмасликлари учун процессуал кафолатлар яратилиши<sup>12</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, терговга қадар текширув институти жиноят процессининг алоҳида мустақил босқичи сифатида ажратилиши лозим. Зоро, у судга қадар иш юритишнинг бирламчи босқичи бўлиб, ўз ичига терговга қадар текширув фаолиятини амалга оширишдан иборат жуда мураккаб ва масъулиятли вазифани олади. Бу эса алоҳида иш юритиш бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ процессуал ва нопроцессуал фаолиятлар ўзаро бир-бiri билан туташади. Ушбу босқич жиноят процессининг бошқа босқичларидан юқоридаги хусусиятлари билан тубдан фарқ қиласи.

<sup>12</sup> М.Д. Ботаев. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий дарражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф. – Т. 2020. Б.54.



**References:**

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Халқ сўзи. – 2019. – 9 дек.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/4939467> (мурожаат санаси: 17.11.2022 йил).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 6 сентябрь ЎРҚ-442-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами-2017. – 36-сон, 943-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Электрон манба. Кириш йўли: <https://lex.uz/docs/111460> (мурожаат санаси: 17.11.2022 йил).
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.1. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва бошқ. – Т., 2000. – Б. 736.
6. Рашидов Б.Н. Терговга қадар текширув: Маъruzalар курси / Маъсул мухаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б.149; Danie Kloppers herstellende gerechtigheid in gevalle. Litnet Akademies, Joernaal vir die geesteswetenskappe,14 (1) 345-373, 2017.; KL.De Klerk. The role of the victim in the criminal justice system/How victims rights extension led to restorative justice. University of Pretoria, 2013. Р145
7. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси. Умумий қисм. – Т., 2008. – Б. 285; Умарханов А.Ш. Одил судловга қўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий чоралари. –Т., 2005. – Б.76.; Чутбоев М.Р. Гумон қилинувчи ва айбланувчи хуқуқларини чеклашнинг халқаро тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т.,2014. – Б.77.
8. Рогаткин А., Петрухин П. О реформе уголовно-процессуального права // Законность. –1996. –№ 2. – С. 42.
9. Мигушин К.И. Досудебное производство как стадия современного уголовного процесса России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Н. Новгород, 2004. С. 10.
10. Гирько С.И. Деятельность милиции в уголовном процессе. – М., 2006. – С. 235-236.
11. М.Д. Ботаев. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф. – Т. 2020. Б.54.